

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ШОСИНДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 73—74 (2714—2715)
1994 йил, 23 сентябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
1 сўм.

2-БЕТ
КЕЛЕС
БЕКАТИДА

**БУГУНГИ
СОНДА:**

5-БЕТ
УРУШДА ҲАМ,
МЕХНАТДА ҲАМ
ДОВРУҒ ТАРАТГАН

3-БЕТ
ҚАРС ИККИ
ҚЎЛДАН...

4-БЕТ
ЧИРОҒИ ЎЧМАГАН,
ЎЧМАЙДИ ҲАМ...

6-БЕТ
"ТУНГИ
ФАРИШТА"ЛАР

Икки жума оралиғида

**СИГИРЛАР ҲАМ, ЎҒРИ ҲАМ
ТОПИЛДИ**

Кўкдала давлат хўжалигида яшовчи, 1932 йилда туғилган, нафақадор А. Х. Чироқчи туман ИИБга мурожаат этиб, шу йилнинг 19 августига ўтар кечаси юқоридаги давлат хўжалигида яшовчи 1954 йилда туғилган У. Т. унинг саккиз бош сигирини ўғирлаб кетганини маълум қилди. Ички ишлар бўлими ходимлари текширув давомида жабрланувчига сигирларини қайтаришди. Ўғирликни содир этган У. Т. қўлга олинди.

МИЛТИҚ ТОПИЛДИ

Тошкент шаҳар, Миробод туманида истиқомат қиладиган "Қурувчи" тижорат фирмасининг ишчиси, 1946 йилда туғилган Н. Т.нинг уйи кўздан кечирилганда ундан рухсатсиз ҳолда 16 калибмли "У — 8186" рақамли қирқма ов милтигини топиб олишди: А. Т. уйда нима мақсадда рухсатсиз қурол сақлаётгани ўрганилмоқда.

СОХТА УЙ ЖИҲОЗЛАРИ

Тошкент шаҳридаги Шумилов темир йўл бекатида ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбир ўтказдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасида таъминотчи бўлиб ишловчи Л. Г.нинг "уй жиҳозлари" ниқоби остида Украина Республикасининг Чернигов станциясига юборган иккита 20 тонналик контейнерлари очиб, текшириб кўрилди. Контейнерлар ичидан уй жиҳозлари ўрнига турли русумли, қиймати 335 минг сўм турадиган кабель, 92 минг сўмлик 48 минг 250 метр тармоқларда ишлатиладиган кабеллар чиқди.

Кўрилган чоралар натижасида республикадан ташқарига сохта ҳужжатлар билан моддий бойликларимизни олиб чиқиб кетмоқчи бўлган К. С. билан Л. Г.лар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Жиноий ишни амалга оширишда кўмаклашган бу шахсларнинг ҳамтовоқлари аниқланиб, уларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ҲУЖЖАТСИЗ БУҒДОЙ

Фориш туманидаги М. Оролов номли давлат хўжалигида истиқомат қиладиган уй бекаси Х. Е. хонадонидан 620 кг. ҳужжатсиз бугдой топилиди. Х. Е. бу бугдойларни қаердан олганини тергов аниқлаб беради.

ЙЎЛТЎСАРЛАР

Хонобод шаҳридаги Хонобод кўчасида уч номаълум шахс уй бекаси, 1962 йилда туғилган З. А.нинг йўлини тўсиб, кўрқитиб, уриб, унинг тилла тақинчоқларини тортиб олишди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди. Ички ишлар бўлими ходимлари эса талончиларни қидиришга тушишди. Кўп ўтмай талончилардан бири қўлга олинди. У Қўргонтепа туманидаги Султонобод қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1967 йилда туғилган Д. О. бўлиб чиқди. Қолган жиноятчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИМИ?

Учкудук шаҳридаги 7-кичик туманда истиқомат қилувчи, 1965 йилда туғилган С. Т.нинг хонадонига балкон орқали номаълум шахслар кириб, унинг 100 минг Россия рубли ҳамда 4321 сўмлик буюмларини ўмариб кетишди. Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари зое кетмади: ўғирликни содир этган шахслар аниқланиб, ушланди. Улар жабрланувчининг ён қўшнилари экан. "Ён қўшни — жон қўшни"лар устидан жиноий иш кўзгатилади.

ҲАМКАСБЛАР УЧРАШУВИ



Суратда: учрашув пайтида.

Д. НУРЖОНОВ олган сурат.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси ИИБ ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Хоразм вилоят ИИБ ва Туркменистон Республикаси, Тошхўвўз вилоят ИИБ раҳбарларининг минтақалараро амалий учрашуви бўлиб ўтди. Унда жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шакллари, хусусан, наркобизнесга қарши кураш борасида сўй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масаласи кўрилди. Ички ишлар вазирлари томонидан шу йил февралда Ашгабатда имзоланган битимнинг ижроси таҳлил қилинди.

Учрашувни Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги Ж. Шияманов очди. Меҳмонларни Амударё тумани ҳокими Б. Жуманиезов табриклади. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Бобожинов, Туркменистон Республикаси, Тошхўвўз вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари Н. Эсенов, Хоразм вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковниги И. Мамадалиев, Туркменистон Республикаси, Тошхўвўз вилоят ИИБ бошлиги А. Отаев ахборот бердилар.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошхўвўз вилоятлари шаҳар-туман ички ишлар бўлиmlарининг бошлиқлари иштирок этиб, улар жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишга доир масалаларнинг кенг доираси бўйича фикр алмашдилар.

Учрашув якунилари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Хоразм вилоят ИИБ, Туркменистон Республикаси Тошхўвўз вилоят ИИБ раҳбарлари томонидан жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Ж. ЎТЕНИЕЗОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ
Матбуот бюроси раҳбари, ички хизмат лейтенанти.

**Бу ҳақда Вазирлар
Маҳкамасида айтилганди**

ПИВО СОТИШДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислон Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини товар билан тўлдириш ва аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш борасидаги олиб борилаётган ташаббусини халқимиз яхши қайфият билан кутиб олмоқдалар. Бу ўз навбатида ички ишлар идоралари ходимларига катта масъулият юкламоқда. Шу боис вилоят ҳудудларидаги бозорларда доимий рейдлар олиб бориляпти.

Урганч шаҳар ИИБ ходимлари шаҳар ҳудудида, кўчаларда, белгиланмаган жойларда ноқонуний равишда савдо-сотиқ қилиб, маҳаллий ҳокимиятнинг бир қатор қарор, талабларини бузиб келаятган айрим шахсларни аниқлашди.

Шу йилнинг 28 июнь куни Урганч шаҳар ҳудудида ўтказилган тадбир натижасида шаҳар, озиқ-овқат маҳсулотлари идорасига қарашли Абдулғози Баходирхон кўчасида жойлашган 39-дўкон ёнида "Факел" бари сотувчиси Шарипбой Жуманиезов ноқонуний равишда ҳеч қандай ҳужжатсиз пиво сотаётгани аниқланди. Пиво сотаётган жой санитария талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бундай ҳолни шаҳардаги Ал Беруний кўчасида ҳам учратдик. Анатолий Дусметов умумий овқатланиш корхонасига қарашли идишда пиво сотаётган экан. Бу жойда ҳам савдо қилиш учун

ҳеч қандай қулайликлар яратилмаган. Санитария ҳолати кўпол равишда бузилган.

Урганч шаҳар бозорида ўтказилган тадбирда ҳам пиво ичимликлари билан савдо қилиш тартиб-қоидалари кўпол равишда бузилган, истеъмол қилиш муддати тугаган пиво ичимлиги бемалол сотилаверган. Урганч шаҳар, Озодлик кўчасининг 8-уйида истиқомат қилувчи Аҳмаджон Оллаберганов ана шундай кишилардан бири бўлиб чиқди. Унинг қўлида ҳеч қандай ҳужжат ҳам йўқ эди.

Катта ситимли бочкаларда пиво сотаётганларни назорат қилар эканмиз, уларнинг аксариятида юқоридаги ачинарли аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Хўш, пиво сотилаётган жойлар тозаллигига қим эътибор беради? Ҳеч қандай ҳужжатсиз, рухсатномасиз сотилаётганига-чи? Тегишли ташкилотлар, қолаверса, вилоят ва шаҳар озиқ-овқат маҳсулотлари тайерлаш корхонаси раҳбарлари бундай ачинарли аҳволга чек қўйиш, яхна ичимликлар сотишни тартибга солиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

О. ЁҚУБОВ,

Урганч шаҳар ИИБ бошлигининг
ўринбосари, милиция майори.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Шайхонтохўр тумани ИИБ муниципал милицияси ходимларидан бир гурўҳи пойтахтнинг Эски жўва деҳқон бозори ҳудудида фаолият кўрсатаёпти. Маҳаллий патруль-соқчилик (муниципал) ротасига тажрибали ходим, милиция катта лейтенанти Ҳикмат Маҳмудов сардорлик қиялпти.

Унинг йигитлари ҳар ойда 18, 20 га яқин турли-туман жиноятларни очиналпти.

Суратда: Х. Маҳмудов (ўнгга) взвод сардори, милиция лейтенанти Б. Курамбоев билан хизмат пайтида.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.



КЕЛЕС темир йўл бекати.

Атроф жим-жит. Ҳеч ким кўзга ташланмайдиган кутиш залининг топ-тоза қилиб ювилган ойналари сентябрь қуёсининг нурларида товланади. Бекат биносининг деворларидан янги бўёқнинг ҳиди таралади, хоналар шинам, тоза. Уларда, перрон ва бекат ҳудудида ҳеч ким кўзга ташланмайдиган. Тўғри, мен бу ерда бўлган вақт мобайнида на йўловчи ташийдиган, на юк поездлари ўтди. Қимматбаҳо юк ортилган ҳолда бир неча қатор бўлиб турган вагонларгина шаҳар манзарасини бир оз бузиб турарди. Маълум бўлишича, уларни бу ерга — Темир йўл ИИБ яқинига олиб келишдан мақсад — ўғирликка йўл қўймаслик экан. Бўлимма ходимларининг вазифасига вагонларни қўриқлаш кирмайди, шундай бўлсада содир этилган ўғирликни очишдан кўра унинг олдини олиш анча осонроқ.

— Милиция бўлимига ташкил этилгунга қадар бундай жиноятлар йилга ўнлаб содир этиларди, — дейди бекат бошлиғининг ўринбосари Ж. Бадриддинов. — Ҳар йили биз юк ўғирлангани ва вагонларда унинг кам чиққани тўғрисида 100 дан 200 га қадар тижорат актларини тузардик. Бу йил эса атиги иккита акт туздик. Транспорт милицияси билан муносабатларимиз бир-биримизни тушунишга асосланади. Қимматбаҳо юк келганда улар ўғирликка йўл қўймаслик учун кўпинча иш жойларида тунаб қоладилар. Уларнинг бундай фидокорлигидан шаҳобча раҳбарияти жуда ҳам миннатдор.

Милиция бўлимида бор-йўғи ўн киши хизмат қилади, ўринбосарларга эга бўлмаган бошлиқ кичик хонада ўтиради, бу ерда жиноят қидирувнинг битта тезкор вакили, яъни бошлиқ билан бирга икки нафаргина зобит

ишлайди. Сержантлар ва оддий милиционерларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамоат тартибини бузишнинг бир талай ҳоллари олди олинди, поёздларда гиёҳвандлик, совуқ қурол ташиш, вагон ойналарини синдириш, майда безорилик, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичишнинг кўп сонли фактлари аниқланди.

Аҳоли ўртасида жуда катта иш олиб борилди. Хонадонларни айланиб чиқиш, уй эгалари билан

қарашларим ўзгаргани туфайли, бўлимма жамоаси ва менинг ходимларим бир оиладек аҳил бўлиб яшаши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиляпман. Зеро, масъулиятимиз ҳам муштарак.

Темир йўл милиция бўлимида яқинида, бир йил аввал ташкил этилган. Уни тезкор ишларда катта тажриба ортирган милиция катта лейтенанти К. Йўлдошев бошқара бошлади. У Могилевдаги транспорт

томонидан гиёҳвандлик моддалари ташилишининг 8 ҳодисаси аниқланди. Қурол ташиган бир неча киши ушланди. Кўп миқдорда ҳуқуқбузар милиция идорасига олиб келинди, вагонларда юзлаб безорилик ҳоллари бартараф этилди, узоқ жойларга дайдиб кетаётган ўнлаб вояга етмаганлар поездлардан олиб қолинди, бир қанча дайдилар ушланди.

Кейинги йилларда йўловчилар оқими анча ошди. Натижада



саъй-ҳаракатлари билан поездларда гиёҳвандлик моддалари ташилишининг 4 ҳодисаси аниқланди, уларнинг ҳаммаси бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Бўлимма бошлиғи билан биргаликда жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция лейтенанти Н. Ералиев ана шу ишни ташкил этиш билан шуғулланмоқда, у ҳам транспорт милициясининг ўрта мактабини тугатди.

Бўлимма жамоасида навқирон кишилар хизмат қилмоқда. Бошлиқ 34 ешда, тезкор вакил 29 да, қолганларнинг ҳаммаси 23 ешда. Гап шундаки, бўлимма ташкил этилган пайтда унга армия хизматидан эндигина қайтган йигитлар қабул қилинган эди. Уларнинг ҳаммаси бир хилда бақувват йигитлар.

— Бекатдаги осойишталик учун раҳматни мента айтишнинг ҳолати йўқ, — дейди бўлимма бошлиғи К. Йўлдошев. — Раҳбарларимиз, биринчи навбатда Тошкент-Шимолий бекати темир йўл ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Қўлдош Йўлдошевич Қосимов қўлларидан келганича ердан бермоқдалар. Транспорт ички ишлар бошқармасининг раҳбарлари ҳам ишмизни такомиллаштириш учун кўп иш қилишмоқда.

З. ВОЛОДИН.
Суратда: К. Йўлдошев.

ПИЧОҚЛАР, ГИЁХВАНДЛИК МОДДАЛАРИ ВА ДОЛЛАРЛАР

ТОШКЕНТ БЕЖИЗ “Нон шаҳри” деб доврў таратмаган. Шаҳар доим гавжум. Ҳар куни бу ерга минглаб сайёҳлар, тадбиркор кишилар, хизмат сафари билан мутахассислар келишади. Кўпчилик темир йўл орқали ташриф буяради, зеро ҳозирги шароитда поезд чиптасининг нархи бошқа транспорт турлариникига қараганда арзонроқ. Лекин поездларда бошқа тонфа кишилар, яъни алдам-қалдам йўллар билан кун ўтказувчилар ҳам Тошкентга келмоқдалар.

“Шимолий” бекат темир йўл ички ишлар бўлими ходимларига ўғирлик, талон-торожлар, нашафурушлик, товламачилик билан шуғулланадиган ўнлаб кишиларни ушлашга тўғри келмоқда.

Федор Х. дайдиликда гумон қилиниб, бўлимга келтирилди. Унинг курткаси чўнтакларни қаралганда совуқ қурол ҳисобланувчи қўлбола пичоқ топилди. Дайдилик билан кун кўрувчи Алишер Ю.дан ҳам ана шундай пичоқ мусодара қилинди. Владимир Б. овчилар пичогини гайриқонуний равишда олиб юргани аниқланди.

Поездларда гиёҳвандлик моддалари аввалги йилларга қараганда анча кўпроқ ташила бошлаганини кўзга ташланмоқда.

Тошкентдан Иркутскка қатнайдиغان 199-поездда милиция ходимлари йўловчи Лаврентий Х.дан 457 грамм наша топдилар. Нашафурушлар ҳам анча усталик билан ҳаракат қила бошладилар. Агар милиция ходимини узоқдан қўриб қолишса, гиёҳвандлик моддаси солинган халтани тапплаб бекинадилар еки ўз “буюмлари”ни сақлаб туриш учун бегона кишиларга бериб кетадилар. Хавф-хатар тутагач, яна қайтиб келадилар.

“Шимолий” шохбекатнинг иккинчи қаватидаги кутиш залида темир йўл милицияси ходимлари “эгасиз” халтани кўриб қолдилар. Унда сув ўтмайдиган халтачаларга жойлаштирилган, жами 4 килограмм наша бор экан. Жиноят-қидирув ходимлари тезкор ҳаракат қилиб, унинг эгаси Роман Д.ни ушладилар.

Бир неча кундан сўнг ана шу кутиш залида ичида 120 грамм наша бўлган яна бир йўл халтаси топилди. Албатта, йўловчилар орасида унинг эгаси “йўқ эди”. Халтанинг эгаси бўлган Геннадий С. бир оз кейинроқ ушланди.

Махсус тадбирни ўтказиш пайтида темир йўл милицияси ходимлари кутиш залидан “эгасиз” чамадонни топиб олдилар. Ундан бошқа нарсалар билан бир қаторда сув ўтмас халтачаларга солинган бир килограммдан ортиқ марихуана ва 465 грамм наша ҳам чиқди.

“Қимматбаҳо” мол эгасини бир неча соатдан сўнг ушлашга муваффақ бўлинди. У Дмитрий П. экан.

Биринчи ва иккинчи йўллар ўртасидаги поездга чиқиш платформасида ҳам “эгасиз” халта топилди. Кейинроқ Абдужалил С. га тегишли экани аниқланган бу халтадан 4,5 килограммдан ортиқ кўкнор чиқди.

Темир йўл ИИБ жиноят-қидирув бўлимига келиб тушган тезкор ахборотда Суня С. деган киши шохбекатда сохта АҚШ долларини сотиш билан шуғулланаётгани хабар қилинган эди. Ана шу жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс тезда ушланди. Ҳақиқатан ҳам унинг енидан ҳар бири 100 долларлик бир нечта сохта пул топилди. Қўлбола “доллар”ни ким тайерлагани тергов давомида маълум бўлади.

З. ВЛАДИМИРОВ.

ТЕМИР ЙЎЛ транспорти халқ ҳўжалиги юкларини ташишнинг асосий воситаси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Айни шу ҳол жиноятчиларнинг эътиборини у билан борлиқ бўлган объектларга тортди келади. Давлат ҳисобига бойишга иштиёқмандлар нимадор қилмайди дейсиз. Юк ортилган составларнинг эшикларидидаги пломбаларни бузадилар, вагонлар ичига туйнук орқали кирадилар, баъзан ҳатто сановат ва озик-овқат моллари билан тўла контейнерларни ҳам ўғирлаб кетадилар.

(3068 шиша) Тошкентнинг энг йирик универмагидан омборхоналарни ижарага олган “Бахт” фирмасининг омборидан топилди ва мусодара қилинди. Айни пайтда устаси фаранг тижоратчилар ўғирланган молни сотиб, “топган” катта миқдордаги маблағлари мусодара қилинди.

БЕНЗИН “БУГГА АЙЛАНДИ”

Бензин, маълумки, тезда буғланиш хусусиятига эга. Милиция ходимлари агар бензинга

ПОЕЗДЛАРНИ ШИЛДОВУВЧИЛАР

“НИКОЛАЙ II” ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

Транспорт ички ишлар бўлимининг навбатчилар қисмига Шумилов темир йўл бекати бўлиғининг ўринбосари Т. Валиев мурожаат қилиб, бекат ҳудудида номаълум кишилар томонидан Польшага жўнатиш учун мўлжалланган 346069-0-рақамли контейнер ўғирланганини хабар қилди. Контейнерда кўп миқдорда Германияда ишлаб чиқарилган “Николай-II” ароғи бор эди. Контейнер сохта нақладнойлар ердидида олиб кетилгани маълум бўлди. Транспорт милициясининг жиноят-қидирув ходимлари анча тер тўқдилар. Контейнерларга дахли бўлган барча кишилар текширилди, уларнинг алоқалари ўрганилди, ўғирланган буюмлар қаерда сотилиши мумкинлиги билан қизиқилди. Пухта ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари бир ҳафтадан сўнг ўз натижаларини берди. Ўғирланган ароғнинг бир қисми

қаллоб кишилар қўл урса, ана шу қимматбаҳо ёниги анча миқдорда “буғланиб кетиши”га кўп маротаба тўқнаш келадилар.

“Аранча” темир йўл бекатида ана шундай ҳол юз берди. 73340002-рақамли цистерна текширилганда унда 1695 килограмм ениги етишмаслиги маълум бўлди. Бензин ўз-ўзидан буғланиб кетмайди, — деб мулоҳаза юритишди комиссия аъзолари. — Цистерна маҳкам епилган, унга кам қуйилган бўлиши ҳам мумкин эмас. Бинобарин, ўғирлик юз берган.

Транспорт милицияси ходимларига мурожаат қилишга тўғри келди, улар тез орада деярли икки тонна бензинни “буғлатган” кишиларни аниқладилар. Маълум бўлишича, Зиевиддин В. ва Аҳмад Р. тунда цистернадан ениги ўғирлашган экан.

ШИРИН “КОЛА” ВА АЧЧИҚ КЎЗ ЁШЛАРИ

Июнь ойидаги жазирамадан томоғи қақраган уч йигит

хорижнинг яхна ичимлигидан тўйиб ичмоқчи бўлишди. Лекин улар яқин орадаги қаҳвахонага эмас, балки... Шумилов темир йўл бекатида йўл олдилар. Пана жойда туриб, юк тушириш-ортиш қандай олиб борилаётганини узоқ вақт кузатдилар. Ниҳоят, Германиядан келтирилган “Кола” ичимлиги юкланган контейнерни топишди. Қоровул йўқлигидан фойдаланиб, ўғирлар контейнерни очиб, 100 банка “Кола”ни ўмардилар. Аммо узоққа кета олмадилар. Кўп ўтмай учала ўғри транспорт милицияси ходимлари томонидан ушланди. Йигирма олти яшар Абретдин М., ўн саккиз яшар Шавкат Ш. ва Алишер Н. пирин ичимлик ичиш ўрнига энди аччиқ кўз еши тўкмоқдалар.

ҚУЛАЙ ЎТИРИШИБДИМИ?

Табуретда ва айниқса қамоқхона сўрсидида ўтиришга қараганда юмшоқ диванда еки пружинали курсида ўтириш жоннинг роҳати. Ўзи учун қулайлик яратишга интилиш инсонга хосдир.

Ана шундай интилишда Жалил К. ва Толибжон С. бошқалардан ўтиб тушдилар. Улар юк ортилган поездлардан жами қанча ва неча сўмлик нараса ўғирлашгани терговда аниқланади, лекин улар вагондан юмшоқ диван ва тўртта курси ўғирлашган пайтда ушландилар. Ўғирлар энди юмшоқ ўриндиқларда эмас, балки эҳтимол, қамоқхона сўриларидан жой олишар. Нима ҳам дейиш мумкин, ҳар бир одам ўзи учун нима қулайлигини танлашга ҳақли.

Хулосада шунини қўшимча қилишни истардимки, ана шу жиноятларнинг ҳаммаси “Шимолий” бекатдаги милиция подполковниги Қ. Қосимов раҳбарлик қилаётган ички ишлар бўлими ходимлари томонидан очилган ва тергов қилинмоқда.

К. ЕЛИСЕЕВ.

«ПОСТДА» НИНГ шу йил 15 июль сонидида чоп этилган «Милициянинг фаол ёрдамчилари» мақоласини алоҳида эътибор билан ўқидим. Дарҳақиқат, авваллари кўнгилли халқ

яхши биламан. 80-йиллар бошида бу ходимлар ҳар куни ўзларига тегишли ҳудудни айланиб чиқишар, кексалар билан суҳбатлашар, ёшларнинг юриш-туриши билан қизиқардилар. Биргина бизнинг

қўтариб участка вакили хонасига олиб келиш, маст-аласт кимсаларни етакка олиш... ҳаммаси милиция зиммасида. Бундан ташқари жиноятларни очиб. Афсуски, одамлар ўртасида

АКС-САДО

бирга аҳоли ўртасида учрашувлар ташкил қилсалар, юрт оёйишталлиги йўлида ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари ҳақида сўзласалар, хизмат фаолиятларидаги ютуқлардан ҳикоя қилсалар, айти муддао бўларди. Кўнгилли кўмакчилар ҳам ўзлари мурожаат қилардилар. Шунингдек, милиция фаолиятини кенг тарғиб қилувчи қаламкашлар, тележурналистлар ва бошқа эгаларини рағбатлантириш, танловлар ўтказиш ҳам фақат фойда келтиради. Бу — биргина менинг фикрим эмао, балки кўпчиликнинг мулоҳазаси.

Хулоса ўрнида кўнгилли кўмакчилар масаласига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайман. Айниқса, бу ишда кўпни кўрган, маҳаллада обрўли кишиларга мурожаат этиш, кўнгилли кўмакчиларни фақат маҳалла оқсоқоллари тавсияси билан танлаш лозим.

Дилмурод САЙИД.

Ўсмирларга сабоқ бўлсин

БОЛТА ЎЗ ОЁГИГА УРИЛДИ

ШАРИФ АНДАҚУЛОВНИНГ ёши йигирмада. Аммо ўн саккиз ёшлигидаёқ жиноятга қўл урган. Унга тайинланган уч йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси икки йилга кечиктирилганди. Еттинчи синфдан сўнг ўқишни ҳам йиғиштирган. Бирор бир ишнинг эътидан тутмаган.

Ўтган йили кузнинг бошларида унинг яна феъли бузилиб, зўрлиги тутди. Кўчага чиқиб, биринчи тўқнашгани Фаллаорол қишлоқ хўжалиги техникуми талабалари А. Абдурахимов ва Р. Эшонқуловларга лой қордирмоқчи бўлди. Абдусалом қочмоқчи бўлганди, тутиб олиб савалади. Воқеанинг сўнгги терговга, кейин эса судга улашиб, Шарифбек икки йилга «кесилди». Унга яна кечиктирилган уч йил ҳам қўшилиб, жами беш йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Музаффар Суюндиқов эса 1977 йилнинг боласи. Кешковут қишлоғилик. Темир йўлчи бўлиш ниятида юрганди. Ўз оёғига ўзи болта уриб ўтирибди. Лалмикор қўргонидида бозор майдонидида жойлашган «Истиқбол» тижорат дўкони (А. Ҳакимовга тегишли)нинг томини тешиб кириб, бир дунё бойлик орасида қолди. Аввалига бир оз шошди, буюмларни кўриб ақли қочди, кейин сал ўзини босди. Иккита костюм-шим, бир дона жемпер, шарф, футболка, беш жуфт сирга, мунчоқ — шуларни олиб, сумкага жойлади-да, кирган жойидан чиқиб кетди. Лекин барибир топгани ўзига буюрмади. Қайтанги шу йилнинг баҳорида ушбу жинояти бўйича судланиб, уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

М. БУРЛИЕВ,
Фаллаорол тумани ИИБ бошлиғи
муовини, милиция майори.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

дружиначиси деган гапни кўп эшитардик. Бундан ташқари штатсиз милиция ходими ҳам бўлар эди. Яна бир йили «Милиция ишчи отряди» ташкил қилинганди. Ҳозир эса на униси, на буниси бор. Гапнинг очиги, кўп қолларда ички ишлар идоралари ходимлари аҳолидан йироқлашиб қолмоқда.

Пойтахтнинг ҳозирги Шайхонтоҳур тумани ИИБда ишлаган участка вакилларидан милиция майорлари Карим ака Таслимов, Сафар ака Аллаев, милиция катта лейтенантлари Т. Бегматов, Ф. Маражабовларни

ҳудуддан олти нафар штатсиз милиция ходими бўлиб, ҳаммамизга гувоҳнома берилган, доимий равишда алоқада эдик. Тўғриси, шу кеча-кундузда мен яшайдиган уй қайси участкага қарайди-ю, участка вакили ким эканини билмайдим.

Яна такрорлайман, халқ билан яқин муносабатда бўлиш учун халқ орасидан кўмакчи излаш керак.

Биргина «Чорсу» деҳқон бозорини олайлик. Бозор — қайнаётган қозон! Кўпинча эътибор бераман, тартиббузарларни ушлаш, баъзан ҳужжатсиз молларни

кейинги пайтда жиноятчиликка қарши кураш фақат милициянинг иши, деган ноўрин фикр пайдо бўлиб қолган. Ваҳоланки, юрт тинчлиги, эл оёйишталлиги ҳар бир одамнинг дарди, фикри бўлмоғи керак.

Яна бир мулоҳаза. Гапнинг очиги, аксарият ёшлар милиция ходимлари фаолияти ҳақида жуда саёз тушунчага эгалар. Милиция қамашни, жарима солишни билади холос, деб ўйловчилар анчагина. Шундан келиб чиқиб, жойлардаги ИИБ мутасаддилари маҳаллалардаги фаоллар билан

“02” ХАБАР ҚИЛАДИ

САРИМСОҚ ЎҒРИСИ

ҲАЙРОН БЎЛМАНГ. Шунақаси ҳам учраб туради. Сир эмаски, мустақилликнинг уч йили мобайнида бир қатор ютуқларга эришдик. Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулотларни бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида учратиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, мамлакат дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун одимляпти. Лекин бу хайрли ишга ҳамма бир хил ҳисса қўшмоқда, деб бўлмайди. Ҳалол, меҳнатсевар кишилар пешона тери эвазига оила тебратаетган бир пайтда кимлардир уларнинг мол-мулкига кўз олайтиришмоқда.

Миробод туманида истиқомат қилувчи А. Х. Нурафшон кўчасидаги хонадонлардан бирида бир қоп саримсоқ пиёзни ўғирлаб чиқиб кетаётганида ушланди. Уни Тошкент Давлат университетининг талабаси қишга рамаб қўйган экан.

Милиция ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли ўғри қўлга олинди. Ўғри Тўйтепа шаҳрилик Н. бўлиб чиқди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

ҲАМЁН КЕТМАСИН

ҲАЁТИМИЗ кун сайин яхшиланиб бораётган бир пайтда ақли фуқаронинг тинч-оёйишта яшаши учун хавф турғидиратган кимсаларнинг орамизда борлиги аянчли ҳол. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари ҳуқуқбузар, жамоат тартибини бузувчилар билан асло муроа қилмайдилар. Одамлар гавжум жойлар, савдо марказларида ҳамёнларимизга хиёнат қилувчилар ҳали-ҳамон ўз «фаолияти» билан машғул бўлиб турибди.

Яқинда ички ишлар ходимлари «Олой» бозорида шахримизга келувчи меҳмонларнинг ҳамёнларига кўз олайтирган Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи А. Сергейни ушладик. Ҳўнтаккесар Шаҳрисабз шаҳридан келган меҳмоннинг ҳўнтагидан 225 сўмини ўғирлаётган экан.

Ҳўнтаккесарлар билан курашиш ҳар биримизнинг ишимиз. Ҳаммамиз ҳар куни шаҳар умумий транспорти еки рўзгор ташвишида бозор, савдо расталарини орайимиз. Гоҳида чарчаб, гоҳида бошқа ҳар хил сабабларга кўра, ен-атрофимизга унчалик эътибор бермаймиз. Шу пайтда қўли эгри, ёмон ниятли кишилар эса пайтдан фойдаланиб қолишга уринишади. Буни билиб-кўриб турган ҳамроҳларимиз эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек лоқайд кетишаверади. Ҳўнтаккесарларга эса «худо беради». Агар бир-биримизни шундай пайтда қўллаб-қувватлаб, биргалашиб уларга қарши курашсак ўйлаймизки, кўпмиллионли Тошкентимиз ҳам бу борада жаҳондаги намунали шаҳарлардан бирига айланади.

РЕЖАСИ БАРБОД БЎЛГАН ЎҒРИЛАР

МУҚАДДАМ судланган К. Муроднинг кўнгли яна ўғирлиқни тусаб қолди. У шу йилнинг 13 август кунини шахримизнинг Мирзо Улугбек тумани Аҳмад Юғнакий мавзесидаги 165-сартарошхонасидан «Саратон» музлатичи, иккита чанг ютгични ими-жимиди тинчитмоқчи бўлганида оёйишталлик посбонлари томонидан қўлга олинди. Режаси барбод бўлган ўғри иши устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Р. Валерий ҳам ўғирлиқни касб қилиб олганлардан чиқиб қолди. У туғини соат иккида Мирзо Улугбек туманида жойлашган 5-қандолатчилик цехидан бирварақайига тўртта мотороллёр гилдирагини ўғирлаб чиқди. Бу ҳам етмаганидек, ишчилардан бирига тааллуқли бўлган радиоприёмникни ҳам ўмаришни унутмади. Аммо беш панжасини бирдан озига тикиб олган ўғрининг йўли тўсилди. Уни туман ички ишлар бошқармаси ходимлари ашений далиллар билан ўғирлик устида қўлга олишди. Энди одил суд олдида қилмиши учун жавоб беради.

АВТОМОБИЛЬ «ШАЙДОЛАРИ»

12 август кунини соат 19 да шахримизнинг Усмон Носир кўчасида икки маст киши «Доган» русумли давлат белгиси 85-45 ТНБ рақамли 2-автокорхонасига қарашли Б. Гехаев бошқарувидаги машинага чиқибди. Такси ҳайдовчисидан «фалон манзилга олиб бориб қўйсангиз» деб илтмос қилишди. Аммо йўловчиларнинг йўлда режалари айтиб, икковлон зўрлик билан ҳайдовчинини машинадан суриб чиқаришга, автомобилни олиб қочишга уринишди. Хизмат вазифасини ўтаб юрган шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати нозирлари Абдужабборов, Қосимов, Галдиевлар бўлмаганида автомобиль «шайдо»лари мурод-мақсадларига етишган бўлишармиди? Нозирларнинг тезлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида икки жиноятчи — муқаддам судланган, ҳозир ҳеч қаерда ишламайдиган Ж. Я. ва «Крестина» ширкатида қоровул бўлиб ишловчи Е. П. лар қўлга олинди. Айни кунда бу икки кимса устидан ҳам тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТОВАЛАЧИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ТОШКЕНТДА келиб-кетувчилар кўп. Биров иш билан, биров шундоқ айланиб келади. Бировлар эса тижоратини ривожлантирсам дейди. Бироқ, бу соҳада «отанга ҳам ишонма» деган гапларни гоҳида унутиб қўйишади. Сурхондарёлик бир тижоратчини сал бўлмаса товлामачи М. Ҳошим чув туширарди. М. Ҳошим сурхондарёликнинг 1200 сўмини сизга пахта еги топиб бераман, дея олиб кўздан гойиб бўлганди. Фақат меҳмоннинг ўз вақтида милицияга хабар берганигина унинг пулларини сақлаб қолди.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

ТОШКЕНТ вилоятининг Зангиота тумани Ички ишлар бўлими Ўртаовул қўргони милиция бўлимаси навбатчилик қисмининг навбатчи ёрдамчиси, милиция катта сержанти Қахрамон Эгамбердиев мана тўрт йилдики, шу ерда меҳнат қилиб келмоқда. У ўз вазифасини ҳалол ўтапти.

Суратда: К. Эгамбердиев иш устида.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ОЧКЎЗЛИК жазаваси гирдобига тушган кишилар жиноятга қўл уриши турган гап. Қуйидаги воқеа ҳам ана шу жазава оқибатидир.

Санобар уч ойлигида етим қолганда Яхши Худойкулов уни ўғай ота бўлишига қарамай меҳри йўрғига йўрғаклаб, паноҳига олди. Куну тун ишлаб топганини тутамлаб рўзгорига ташиди. Санобар улғайгач, орзу-хавасда тўйини ўтказиб, оstonасидан кузатди. Юрагида нимадир узилгандай бўлиб, жиндек кўз еш тўкиб олди.

Йиллар ўтди. Санобар болачақали бўлди. Қизларини узатиб, ўғлини уйлантириш тадоригини кўрарди. Вояга етмаган бир қизини ўғай отаси қарамоғига берди. Ёлғиз қариянинг жойини супуриб-сидириб туриш керак-да. Ахир ўғай бўлса ҳам отаси, Санобарни улғайтирди, бировдан кам қилиб қўймади.

Санобар Қарши шаҳридаги 1-вилоят шифохонасининг кутубхона мудираси бўлиб ишлар эди. Тўғрироғи, одамлар кўнглига зиё улашиш, илми этиш унинг вазифасига кирарди. Лекин нима бўлдию кейинги пайтларда унда очкўзлик ҳирси уйғонди. Ҳар гапида пундан гап очар, бошқаларнинг ҳам тинч хаёлини бузарди. Бир куни куёви Улаш келиб қолди. Улар бир пиёла чой устида гурунғ қилиб

ўтиришаркан, ногоҳ ўғай отаси Яхши бобонинг ҳовлисига эгалик қилиш ҳақида ёрилди. Куёви бир зум серрайиб қолди. Савол аломати билан қайнонасига тикилди. Қайнона куйиб-пишиб ўз муддаосини тушунтирди. Куёв кенг ҳовли қўлга киритилаётганидан ичи ёришиб,

ОЧКЎЗЛИК ЖАЗАВАСИ

рўйхушлик берди. Шу кунини Санобар йўлга тушди. Ўғай ота йўқ экан. Қизининг ёлғиз ўтирганидан севиниб, у билан наридан бери гаплашди-да: «Тагин бировлар келса кўриб, вой-дод солиб юрмагин», дея тайинлашга тушди. Қизи ҳайрон. Онанинг гапига тушунмай елка учуриб қўйди. Онаси гапини узук-юлук айтиб, кўчага чиқиб кетди.

Қоқ ярим тун. Шаҳар уйкуга чўмган. Қайнона ва куёв Петровский кўчаси бўйлаб тез-тез одимларди. Куёв гоҳо биров таъқиб қилиб тургандай чор атрофга хавотир ичида олазарак боқарди. Улар девор оша ҳовлига тушишди. Сўнг товуш чиқармай ичкарига мўралашди: ўғай ота

қотиб ухларди. Қизи ёнбошидаги ўйда. Санобар билан Улашбой хонага кирдилар. Улар ухлаётган қарияни бошига темирсоп (монтировка) билан жонхалатда уришди. Чолнинг мия чаногини титилиб, қон тизиллаб отилди. Оғир учиб тушган чол жон берди. Қайнона ва куёв из яшириш мақсадида чолнинг носковигадаги носни ҳовли бўйлаб келган изларига эринмасдан сепиб чиқдилар. Сандигу жавонларни титиб, буюмларни сочиб ташлашди. Кейин тонг отиши билан Санобар қўшнингига ўтиб, милицияга хабар берди.

Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Зиедулла Убайдуллаев бошлиқ тезкор жиноят-қидирув гуруҳи воқеа жойига етиб келди. Ҳовлида Санобар чарх уриб, гоҳо ерни тимдалаб «ота, отагинам, меҳрибон отагинам», дея нолиш қиларди. Куёв бўлмиш ҳам енгини кўзига суртиб «бобожоним», дея дийдиесини авж пардага чиқарганди. Гуруҳ аъзолари фожиани обдон ўрганишди. Ўғай ота ёлғиз қолган қиз сўроққа тутилди. Ўшанда воқеага бироз ойдинлик кирди. Қайнона ва куёв сўроқ қилинди. Улар далиллардан қочиб қутулолмадилар.

У. ҲАЙДАРОВ,
милиция катта лейтенанти.

Шабриқлаймиз!



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ходими, милиция майори, азиз ва меҳрибон оилабошимиз **Бахтиёр Гуломович ЗОКИРОВ**ни 36 ёшга тўлганликлари муносабати билан чин дилдан табриқлаймиз. У кишига узок ва мазмунли умр тилаб, саломатликлари мустаҳкам, ишлари омадли, пойқадамлари кутлуг бўлишини яратгандан сўраб қоламиз.

Эхтиром билан оналари, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ФЕРУЗАХОН, БОТИРЖОН.



Хамза тумани Ички ишлар бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ жиноят-қидирув бўлими бошлиғи **Жаҳонгир Қирғизбоевич АЗИМОВ**ни 43 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий кутлайдилар ва сihat-саломатлик, оиласига бахтли ва тотув ҳаёт тилайдилар.

Хамза тумани Ички ишлар бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ Тергов бўлими катта терговчиси, милиция майори **Бахтиёр Тоғаевич ЭРКАЕВ**ни 33 ёшга тўлганлиги ва бир йўла **УЧ ЎГИЛЛИ** бўлганлиги муносабати билан чин дилдан табриқлаймиз ва унга ҳамда оиласига фаровон ҳаёт тилаймиз.

“Постда” — “На посту” газеталари ижодий жамоаси ҳам Бахтиёр Эркаевни чинакамига бахтиёр қилган ўғиллар билан самимий муборакбод этиб, уларнинг камолини кўриш бахтига мушарраф бўлмоғини тилаб қоламиз.

Хамза тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ ЖКБ бошлигининг муовини, милиция подполковниги **Шамил Георгиевич БЕККУЛОВ**ни тугилган кўни билан муборакбод этиб, sihat-саломатлик, узок умр, ишларида муваффақиятлар тилайдилар.

ҚОРОВУЛ ТУНДА “ИШЛАДИ”

ЯНГИЙЎЛ туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Азиз Акрамов номига дала ҳовлилардан бирида ўғирлик содир бўлгани ҳақида навбатдаги ариза келиб тушди. У ерга юборилган наряд ҳеч нарсани аниқлай олмади: ҳатто жиноят қачон содир бўлгани ҳам номаълум эди. Дала ҳовлининг эгаси кўздан буён у ерда бўлмаган, баҳорда келиб эса жон-пони чиқиб кетган. Пол қилиш учун тайерлаб қўйилган бир неча куб тахта, газ плитаси, эшиклар, деразалар ва кўплаб бошқа нарсалар йўқ эди. Азиз

ХУНУК ГАПНИНГ оёғи чопогон бўлади...

Ўн учинчи февраль кўни ўша изгиринли оқшомда Ҳаққулобод шаҳрида юз берган муҳиш қотиллик бутун Норин тумани бўйлаб яшин тезлигида ёйилди. Қалблар бу жиғоятдан ларзага тушди. Эсоналини яхши билган кишиларнинг ҳаммаси қотилни қаргади, шаънига лаънатлар ўқиди. Тўрт нафар гулдай фарзанд ота меҳридан бир умрга бенасиб қолди. Бу норасидаларнинг азиз дадалари милиция майори Эсонали Пайгамбаров ашадий жиноятчи билан бўлган олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ўшандан бери орадан олти ой вақт ўтди. Қотиллик бўйича олиб борилган тергов ҳам, суд иши ҳам ниҳоясига етди. Энди бу ҳақда тўла-тўқис ёзиш, қиссадан ҳисса сифатида хулосалар чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, ўша 13 февраль оқшомига қайтамиз. Норин туман Ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Эсонали Пайгамбаров гарчи асосий хизмат вақти дугаган бўлса ҳам уйига қайтмаганди. Тигиз, бир-биридан муҳим ишлар билан банд бўлиб, у кабинетининг чирогини ёқиб қўйишни ҳам ҳаёлига қелтирмасди. Ташқарида қиш оқшоми пардаси қуюқлашиб, хонада ёзиш ва ўқинишнинг имконияти қолмагач Эсонали телпаги ва курткасини кийиб, кўчага чиқди. Йўқ, майор уйи томон йўл олмади, балки хизмат бурчини давом эттириш учун шаҳарнинг Пахта заводи кўчаси сари юрди. Сўнгги вақтларда бу жой анчагина нотинч бўлиб қолган, тез-тез юз бериб турадиган ичкиликбозликлар, гиёҳвандликлар, муштлашишлар

тўғрисида милицияга хабарлар келиб турарди.

Эсонали пахта заводи кўчасининг 8-уйи ёнига етиб келганида соат ўн тўққизларга яқинлашиб қолган, борлиқни анчагина қоронғулик қоплаб олган эди. Жиноят-қидирув бўлини маси бошлигининг эътиборини шубҳали икки шарпа тортди. Бепарда, қаттиқ-қаттиқ сўқиниб гапиришларига қараганда, иккала

бемаҳалда нима қилиб юрганини сўради. Тўлқин ҳам фуқаро кийимидаги милиция майорини таниганди.

— Нима ишинг бор, сайр қилиб юрибман! — деди у тўнгиллаб, кўчага ҳам сенинг рухсатинг билан чиқишим керакми?

— Тинчгина “сайр” қилиб юрсанг, майли, — Эсоналининг сўзлари ҳамон босиқ эди, — аммо мана бундай хурмачангдан

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ЧИРОҒИ ЎЧМАГАН, ЎЧМАЙДИ ҲАМ...

шарпанинг ҳам маст эканлиги равшан эди. Эсонали индамай ўтиб кетаверишни ўзига лозим топмади. Қолаверса, сен менга тегма, мен сенга тегмай қабилда иш тутиш унинг учун ет хусусият эди. Майорни ҳамкасблари, қўл остида ишловчилари шу фазилати учун ҳам кадрлашар, номини хурмат билан тилга олишарди.

Эсонали бояғи шарпалар ёнига борди. Бордию улардан бирини аниқ-тиниқ таниди: Тўлқин! Тўрт марта огир жиноят қилиб, тўрт марта судланган ашадий шахс! Бундайлар уруш-жанжални пулга сотиб олади. Бундайлар қилдан қийик ахтариб, арзимаган баҳона билан мутлақо бегуноҳ кишининг қонини тўкишдан ҳам қайтмайди. Тўлқин ҳозир ҳам иккала оёғида аранг чайқалиб турарди. Эсонали ҳар қанча гижинмасин босиқлик билан Тўлқиндан бу ерда

ортиқчасини ичиб олиб, одамларнинг тинчлигини бузишнинг ёмон-да. Яхшиси, уйингга бор, дам ол...

Тўлқин ҳовуридан тушмади: — Билиб қўй, хой мелеса! Мен истаган жойимда юраман, истаган жойимда тураман! Яхшиси, ўзинг бу ердан туёгингни шикиллатиб қол! Бўлмаса ҳозир...

Эсонали шерюрак йигит эди. У жиноятчининг дўқ-пўписасидан чўчимди. Мушт ўқталиб келаётган Тўлқин билан юзма-юз келди. Ҳалол муштлашувда Эсоналига бас келолмаслигини англаган Тўлқиннинг қўлида ўткирланган пичоқ ялтиради. Номард ҳамиша номардлик қилмай иложи йўқ.

— Ташла пичоқни! — деди Эсонали рақибини огоҳлантириб.

Кўзига қон тўлган газанда пичоқни ташлаш ўрнига уни

қаттиқроқ қисиб, пайт пойлай бошлади... Эсонали шунда ҳам ортга чикинмади, Тўлқиннинг устига ташланди. Томан ваҳшиена қиёфага кирган газанда Эсоналининг қорнига пичоқ санчди. Бир... икки... олти марта, қайта-қайта пичоқ урди. Эсонали ҳолсизланиб йиқилиб қолди, сал ўтмай ҳушидан кетди. Қотил эса қонли пичоқни дуч келган томонга улоқтирди-да, қилиб қўйган даҳшатли жиноятдан қўрқиб ўзини тун қўйнига урди...

Шу тарзда 37 ёшли милиция майори Эсонали Пайгамбаров ашадий қотил чанғалида ҳалок бўлди.

Албатта, Тўлқин узокка қочиб кетолмади. Фожиадан хабар топган милиция ходимлари уни ўша туннинг ўзидаёқ қўлга олдилар.

Шу йил 16 май кўни вилоят суди раисининг ўринбосари К. Сафаров раҳбарлигида бўлиб ўтган очик суд мажлисида Тўлқин Қодиоров олий жазога мустаҳқ қилинди...

Норин тумани Ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлини маси бошлиғи, милиция майори Эсонали Пайгамбаров бугун орамизда йўқ. Бироқ мардлар ўлганларидан кейин ҳам халқ калбида яшайверади. Чунки унинг кўрсатган жасорати дўстлари ва касбдошлари дилида мангу яшайди. Унинг номини абадийлаштириш ниятида, ўзи яшаган кўчага майор Пайгамбаров номи берилди. Яна дилимизга юпанч берадигани шуки, Эсоналидан тўрт нафар, бир-биридан асл ўғил-қизлар қолди. Демак, Эсоналининг чирогини ўчмайди.

И. КАРИМОВ,
милиция майори.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Риштон туман ИИБнинг ДАН бўлими қошидаги туманлараро аҳоли транспортни рўйхатга олиш бўлини маси бошлиғи, милиция капитани **Маҳмуджон Нурматов** билан суҳбат.

— Икки огиз ўзингиз бошчилик қилаётган бўлим ишлари хусусида тўхталсангиз.

— Фаргона вилоятидаги Риштон, Бағдод, Олтиариқ, Сўх туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг транспорт воситаларининг қонуний эканлигини назорат қилиш бизнинг зиммамизга юклатилган.

— Транспорт эгалари сизларга кўпроқ қандай масалалар юзасидан мурожаат қилишади?

— Транспорт воситасининг рақамли қисмлари ўзгартирилганда еки уни бошқа киши номига ўтказиш лозим бўлиб қолганда бизга мурожаат қилишади. Худди шунингдек, уларнинг аксариятини ҳайдовчилик гувоҳномаси олоқчи бўлганларни ташкил этади.

— Ҳайдовчилик гувоҳномасини олоқчи бўлган фуқароларга қандай шароитлар яратилган?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, биз Риштон, Сўх, Бағдод, Олтиариқ туманлари аҳолисига хизмат кўрсатамиз. Ҳозирги кунларда ушбу туманларда 10 та ўқув марказларимиз фаолият кўрсатмоқда. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш истагида юрганлар шу ўқув марказларимизда таҳсил олади ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганлар ниятларига эришишади. Бу ўқув

марказларимизда ишни яхши ташкил қилганимиз туфайли шу йилнинг дастлабки олти ойида 657 нафар фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди. 525 киши эса имтиҳон топшириб, қайтадан ҳайдовчилик гувоҳномасини олишди.

— Эшитишимизча, сизларга кунига турли юмушлар юзасидан юзга яқин кишилар мурожаат қилишар экан. Уларнинг огирини енгил қилиш учун яна қандай кўшимча чоралар кўряпсизлар?

— Ҳозирги шароитни ҳисобга олиб, Сўх туманида фуқароларни қабул қилишни йўлга қўйдик. Шунингдек, шу туман фуқароларининг аризаларидан келиб чиқиб, Сарақанда

қишлоғида Қўқондаги автомобиль ўқув ишлаб-чиқариш комбинатининг филиалини ишга туширдик. Бу ерда бир неча тоифада ҳайдовчилар тайерланмоқда.

Суҳбатдош Саминжон ҚОРАБОВ,

Бағдод тумани ИИБ ходими, милиция катта лейтенанти. Суратда: Маҳмуджон Нурматов милиция катта лейтенанти З.Зиёдуллаев билан ўқув маркази фаолиятини янада яхшилаш юзасидан гаплашмоқда.

Ғ. Қодирий олган сурат.

УЙҚУ ЁРДАМ
БЕРМАДИ

БУ ВОКЕА 20 августга ўтар кечаси содир бўлди. Тунги соат ўн иккиларга яқин номаълум автотранспорт Олтинсой тумани ҳудудида йўл четидан велосипедда кетаётган икки нафар йўловчини уриб қочиб кетди. Олтинсой тумани ИИБ ходимлари воқеа жойига тезда етиб келишди.

Зулмат пардаси ҳар қанча қуюқ бўлмасин ҳозиргина бу ерда содир бўлган бахтсиз ҳодисага йўл четидида пачоқ велосипед ҳамда сачраб етган қон ёлғиз ва тилсиз гувоҳлар эди.

Содир этилган жиноят анча мураккаб эканлигидан туман ИИБ ходимлари вилоятдан ердам чақиришди. Ёрдамга вилоят ИИБ ДАНнинг махсус взводи сардори, милиция майори Чори Хайруллаев бошчилигидаги ходимлар етиб келдилар. Дастлаб воқеа жойи кўздан кечирилди. Шунда велосипедга ёпишган ҳамда ердаги сариқ металл бўёқ парчалари машина сариқ рангли эканлигини маълум қилди. Шу рангдаги барча машиналарни туман бўйича бирма-бир текшириб чиқишга киришилди.

Текширув навбати тонгги соат бешларга яқин туманнинг Қорлик жамоа ҳўжалиги марказида яшовчи Ориф Насриддинов хонадонига ҳам етди. Унинг автоулови яхшилаб ўраб қўйилган, уй эгаси эса бемалол сўрида уйқуни уриб етибди. Машина кўздан кечирилганда “калаванинг учи” топилди: ҳайдовчи айнан шу машина билан автофалокат содир этгани аён бўлди. Бу ери энди қилмиш-қидирмиш.

Агар О. Насриддинов инсонийлик йўлини тутганида эндигина йигирма бирга кирган икки йигит балки тирик қоларми...

Сафар АБДУВОҲИДОВ,
вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция старшинаси.

Маълум бўлишича, ўғирликни айни унинг ўзи ва шериклари амалга оширган эканлар. Ушбу иш бўйича 5 киши судга тортилди.

10 сентябрда Янгийўл туман суди томонидан бешала жиноятчи турли қамоқ муддатларига ҳукм қилинди. Шу жумладан икки киши 8 йилга, иккитаси 7 ва бир киши 3 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

А. БРАЙЛОВСКИЙ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ катта инспектори, милиция майори.

пайтида содир бўлган жиноятдан астойдил газабланди, дала ҳовли соҳибига етказилган зарарни ҳисоблаб чиқди, ўғирликни қандай очиб кераклиги ҳақида маслаҳатлар берди, гумон қилаётган кишиларни кўрсатди, улар орасидан юк машинаси борларини аниққса алоҳида таъкидлади. Хизмат вазифаларини бажаришга совуққонлик билан муносабатда бўлишда ўзининг айби борлиги хусусида огиз очмади, деярли бир йил давомида маош олмагани учун фақат қундузи ишлаганини айтиб, ўзини оқлаган бўлди.

Ҳақиқат барибир юзага чиқди.

ВОХИД АЗИЗОВИЧ АЗИЗОВ 1941 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини тугатиб, бор-йўғи тўрт ойгина Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги 47-ўрта мактабда ишлади. У 1941 йилнинг ноябрида кўнгилли равишда Қизил Армия сафига ёзилди. Бир ой давомида махсус курсларда ўқигач, Ўрта Осиё харбий округининг 99-отлик дивизияси 300-полкида хизмат қила бошлади. 1942 йил августиди



атокли саркарда, генерал Белобородов кўмондонлик қилган 9-Қизил байроқли гвардиячи ўқчи дивизияда хизматни давом эттира бошлади.

Доимо олдинги жабҳаларда бўлган ана шу дивизия таркибда В. Азизов 1944 йил июнигача бўлди, аввал отлик разведка эскадрони сиёсий раҳбарининг ўринбосари, сўнгра разведка бўлинмасининг сардори бўлиб хизмат қилди. «Жасорати учун» медали билан тақдирланди. Взвод сардори, гвардиячи лейтенант Оллоберганов томонидан имзоланган, гвардиячи катта сержант Воҳид Азизовга берилган жанговар тавсияномада шундай дейилган эди: «В. Азизов 1942 йилдан буён фронтда. Биринчи марта жангда Калинин вилоятидаги Великие Луки яқинида иштирок этди. Ўзини Ватаннинг жасур жангчиси

эканлигини кўрсатди. Шунингдек у Рога кишлоғи атрофидаги жангда иштирок этди. Бу ерда ҳам у жасорат кўрсатди ва «Жасорати учун» медали билан тақдирланди. Азизов — интизомли кичик сардор. Курсларда ўқиш учун йўлланма берилишига муносиб».

В. Азизов хизмат қилган дивизия 1-Болтиқбўйи фронтга тааллуқли бўлиб, у Великие Луки, Невель, Ярцев, Духовшина, Витебск, Рудня, Полоцк ва бошқа

бажарди, тезкор тергов ишини ўзлаштиришга интилишни намоён қилди. Ишда тезкорлик, ташаббускорлик кўрсатди. Топшириқларга жиддий, етти ўлчаб муносабатда бўлди. 1947 йил октябрида унга лейтенант унвони берилди.

1947 йилда у СССР ИИБ Олий зобитлик мактаби қошидаги бир йиллик қайта тайёрлаш курсларига юборилди. Уни тугатгач, СССР ИИБ алоҳида

подполковниги унвони берилди. В. Азизов ана шу лавозимларда ишларкан, тезкор-тергов ишида тажриба ортирди ва раҳбар маъмурий-хўжалик ишига доир кўникма ҳосил қилди. Ташкилотчилик қобилиятларини эгаллади, ходимларнинг саъй-ҳаракатларини жамоат тартибини сақлашни кучайтиришга ва жиноятчиларга қарши курашга қаратди. 1957 йил июнида у «ИИБ хизмат кўрсатган ходими» кўрак нишони билан тақдирланди.

1957 йил июлида милиция подполковниги В. Азизов Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг кадрлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Ана шу лавозимда у ўзининг етук, сиёсий саводли раҳбар эканлигини кўрсатди. 1959 йил январидан В. Азизов ички хизмат полковнигидир.

1961 йил августиди В. Азизов Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғи этиб тайинланди. 1964 йил июлида у касаллиги сабабли ички ишлар идораларидан истеъфога чиқди.

Фидокорона меҳнати ҳамда фашизм ва япон милитаризмига қарши урушдаги хизматлари, жиноятчиларга қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашдаги фаолияти учун истеъфодаги ички хизмат полковниги В. Азизов 2-даражали «Ватан уруши» ордени, 14 медаль, Ўзбекистон ССР Олий Кенгагининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Уруш қатнашчилари, Қуролли Кучлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фахрийлари Республика ташкилотининг аъзоси, истеъфодаги ички хизмат полковниги В. Азизов милиция идоралари ва бўлинмаларида, ички ишлар идораларида тез-тез меҳмон бўлиб туради, ўзининг бой ҳаётини ва амалий тажрибасини ёш ходимлар билан бажонидил баҳам кўради.

Суратда: истеъфодаги ички хизмат полковниги В. Азизов.

Табриклаймиз!



Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, Тергов бошқармаси жамоаси ИИББ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги **Сайфулла Асатович АСАТОВНИ** 45 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайдилар.

Сайфулла ака, Сизга узок умр, сihat-саломатлик, бахт-саодат ва ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва Тергов бошқармаси жамоаси.



Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиб билан ишлаш хизмати шу хизмат бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори **Рустамбек Нуъмонович ЎРМОНБЕКОВНИ** 40 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайдилар. Рустамбек, Сизга узок умр, сihat-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.



Тошкент шаҳар Метрополитенини муҳофаза қилиш бўйича МИИБ ходими, милиция старшинаси, азиз ва меҳрибон дадажонимиз **Абдурауф Абдусаматович УСМОНОВНИ** таваллуд топган қушлари муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.

Дадажон! Сизга узок умр, сihat-саломатлик, ишларингизда ривож тилаб, ҳамisha фахримиз, тахтимиз бўлиб қолаверинг деймиз.

Эхтиром билан фарзандларингиз **ИХТИЁР, ДИЛДОРА, ЭЛЁР, СЕВАРА** ва рафиқангиз **МУҚАДДАС**.

ГАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА УРУШДА ХАМ, МЕХНАТДА ХАМ ДОВРУҒ ТАРАТГАН

шаҳарларни озод этишда иштирок этди.

1944 йил июлидан В. Азизов Мудофаа халқ комиссарлигининг 1-Москва мактабда тингловчи бўлди, 1945 йил 22 июнда Галаба парадда иштирок этди. 1945 йил апрелида В. Азизовга дастлабки зобитлик унвони берилди — у кичик лейтенант бўлди.

Мактабни битиргач, Узок Шарққа юборилди. В. Азизов 1-Узок Шарқ fronti 125-алоҳида танк бригадаси контр-разведка бўлимнинг тезкор вакили этиб тайинланди. Ана шу қисм таркибда у Квантун армиясига қарши Шимолий Манжурияда олиб борилган уруш ҳаракатларида қатнашди.

1946 йил майда В. Азизов Ўзбекистон ССР ИИБ алоҳида инспекциясининг терговчиси этиб тайинланди. У ўзининг вазифаларини сидқидилдан

инспекцияси бошлигининг ўринбосари этиб тайинланди.

1950 йил декабрида Ўзбекистон Компартияси МК бюросининг қарори билан ходимларнинг катта гуруҳи милицияни мустаҳкамлаш учун юборилди. Шу жумладан В. Азизов Тошкент милиция бошқармаси кадрлар бўлими алоҳида инспекциясининг бошлиғи этиб тайинланди. Бир оз муддат шу ерда кадрлар бўлимига бошлиқ ҳам бўлди.

1952 йил февралда В. Азизов Тошкент шаҳар милиция бошқармаси бошлигининг ўринбосари этиб тайинланди. 1953 йил февралда унга милиция майори унвони берилди. 1953 йил июлдан у Тошкент милиция бошқармасининг бошлиғи, 1955 йил июндан эса Тошкент вилоят ижроия қўмитаси ИИБ бошлигининг ўринбосари бўлди. 1956 йил январиди унга милиция

ташқил қилиш ва тегишли жамоат тартибини таъминлашда ташаббускорлик кўрсатди. 1970 йил апрелида у «ИИБ хизмат кўрсатган ходими» кўрак нишони билан тақдирланди. 1977 йил ноябрида эса унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» Фахрий унвони берилди.

1972 йил майда Андижонда

Ўн саккиз ёшга тўлган Мухтор Султонов комсомол йўлланмаси билан 1944 йил июнида ИИХК Андижон бошқармаси милиция бошқармаси тезкор вакилининг ёрдамчиси сифатида хизмат қила бошлади. Тошкентдаги вилоятлараро милиция мактабига қабул қилингунга қадар у ИИХК Андижон вилоят Хўжабод ва Ленин туман бўлинмаларида тезкор вакил ёрдамчиси бўлиб ишлади.

М. Султонов ўқишни 1946 йил июлида тугатди ва кичик лейтенант унвонида ИИБ Андижон вилоят бошқармасининг бандитизмга қарши кураш бўлимида тезкор вакил бўлиб ишлай бошлайди. Бир йилдан сўнг у СССР ИИБ Тошкент зобитлик мактабининг сиртки бўлимига ўқишга кирди ва уни 1950 йили тугатди. Тезкор-тергов ишини яхши биладиган, хизматга виждонан муносабатда бўладиган, ташаббускор М. Султонов 1949 йил январиди ИИБ Андижон вилоят бошқармаси Ойим туман бўлимнинг бошлиғи этиб тайинланди, унга лейтенант унвони берилди.

1951 йил февралда лейтенант М. Султонов Тошкентдаги 16-милиция бўлинмасига бошлиқ қилиб юборилди, бу ерда ҳам у ўзининг билимдон, пухта, тезкор-чекистлик тайёргарлигига ва раҳбар тезкорлик иши тажрибасига эга ходим эканлигини кўрсатди, шахсий таркибни тарбиялашга катта эътибор берди. 1954 йил июнида у ички хизмат катта лейтенанти бўлди. Икки йил давомида Тошкент милиция бошқармаси

БХСС бўлими бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлади. Бу ерда ҳам ўзини ижобий томондан кўрсатди, янада чуқур тажриба ортирди, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб борди. 1955 йил октябрида унга милиция капитани унвони берилди. ИИБ Андижон вилоят бошқармаси Милиция бошқармаси

МУРАББИЙ ВА УСТОЗ


бошлигининг ўринбосари, тўрт ойдан сўнг Андижон вилоят ижроқўми ИИБ бошлигининг ўринбосари этиб тайинланди. Кейинги лавозимда у 11 йил ишлади. 1966 йил ноябрида унга ички хизмат полковниги унвони берилди.

М. Султонов 1967 йил июлида Андижон вилоят ИИБ бошлиғи қилиб тайинланди. Бу лавозимда 12 йил ишлади. У вилоятдаги тезкор вазиятни яхши биларди ва уни пухта таҳлил қиларди, хизматга доир энг муҳим масалаларни ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан ҳал қиларди жиноятчиликка қарши курашни

«Ички ишлар идоралари томонидан жиноятларнинг олдини олиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда бошқарма хизматларининг жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашни ташқил этишга доир ишида кўпгина ижобий жиҳатлар борлиги таъкидланди. Ходимларнинг сифат таркибда ўзгаришлар юз берди, хизмат интизоми ошди.

1979 йил ноябрида М. Султоновга ички хизмат генерал-майори унвони берилди, ўша йилнинг декабрида эса Ўзбекистон





Суратда: Қашқадарё вилоят Ғузор туман ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари, милиция катта лейтенанти С. Хўжақулов (чапда) ва участка вакили, милиция катта лейтенанти З. Узоқов деҳқон бозорининг директори У. Зарипов билан биргаликда тадбирлар режасини тўзмоқдалар.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

КЎҚОНЧА "МИННАТДОРЧИЛИК"

КЎҚОНЛИК Неъматжон Баннонов яқинда бировга яхшилик қиламан деб нақ бир ярим миллион (сўм-купон)га тушди десак лоф бўлмайди.

Унинг ҳамшаҳари Раҳмонали Розиков жуда зарур иши чиқиб қолганлиги, тезлик билан бир жойга етиб бориши зарурлигини айтиб, Неъматжондан велосипедни 15 минутга сўраб олди. У ҳам мана шу йигитнинг сазаси ўлмасин, иши ҳақиқатдан зарур шекилли, деган ўй билан ишониб, велосипедни бериб юборди.

Орадан Р. Розиков айтган 15 минутдан ўн бештаси ўтди ҳамки ундан дарак бўлмади.

Неъматжон Банноновни осонгина алдаб, велосипедни қўлга киритган Раҳмонали "мен бошқа маҳалладан бўлсам, у шаҳарни нариги чеккасида яшаса, қаёқдан мени топади", деди-да, велосипедни 70 мингта (сўм-купон) пуллади.

Лекин у 38 ёшга тўлган бўлса ҳамки, калтафаҳмлик қилди. Бировга яхшилик қиламан деб қақшаб қолган Н. Баннонов милицияга ариза берди.

"БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ..."

МАРҒИЛОН темир йўл тармоқ ички ишлар бўлимасига Қирғули савдо бирлашмаси омборчиси А. Мадаминов ариза билан мурожаат қилиб, савдо

Қисқа хабарлар

бирлашмаси ихтиёрига Кўкон вино заводи томонидан жўнатилган 23938418 рақамли вагондан камомад чиққанини маълум қилди.

Темир йўл тармоқ ички ишлар бўлимаси ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар туфайли 1953 йилда туғилган, Дангара тумани Қўшқўприк қишлоғида яшовчи, Кўкон вино заводи ишчиси Т. Ф. ушланди. Унинг таниши Шерматовникидан ашевий далиллар олинди. Бу жиноий иш юзасидан Фарғона темир йўл прокуратураси тергов ишлари олиб бормоқда.

БЕБОШЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

МАРҒИЛОН шаҳар темир йўл шоҳбекати ҳар куни йўловчилар билан гавжум бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерда жамоат тартибини бузиш ҳоллари учраб туради. Милиция ходими Ўқтамжон Эрматов шоҳбекатда жамоат тартибини бузганлиги учун 1972 йилда туғилган Шарофиддин Мирзаевни огоҳлантирди. Кўпчилик ўртасида изза бўлган Ш. Мирзаевга бу оғир ботиб, милиция ходимини ҳақоратлаб, қўл кўтаришга ҳаракат қилди. Аммо унинг бу бебошлиги қимматга тушадиган бўлди. Фарғона темир йўл прокуратураси томонидан Ш. Мирзаев устидан жиноий иш қўзғатилди.

Б. ОМОНЗОДА.

ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН
Тошкент шаҳар ИИББси жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Муҳаммаджон Деҳқонов билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келади. Бир куни у киши: "Биласизми, халқимиз азал-азалдан шарқона таълим-тарбиянинг азим булоқларидан баҳраманд бўлиб келган. Не-не жаҳонга машҳур алломаларнинг ётишиб чиққанлиги шундан далолат. Лекин саховатли юртимизга турли ўлкалардан ҳеч юмуш билан шуғулланмайдиган, ҳатто ётиш-туришининг тайини йўқ, ҳаром-ҳариш кимсаларнинг келаётгани ҳаётимизга доғ бўлиб тушмоқда, — деганди куюниб менга. — Улар ўзлари билан бирга иснод олиб келаяптилар..."

Ҳаётда бозорликни Ислоҳ дунёсида жуда қаттиқ қоралашади. Бошқа Ғарб давлатларида аксинча: бу нарсани айрим "билагон"лар иложи борица оқлашга уриниб, унинг келтирадиган ташвишларини кўра билатуриб кўз юмишмоқда. Республикаимизда шу кунларда фоҳишабозликка қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Бироқ, уни юртимизда "гуллатиш"га аҳд қилганлар ҳам йўқ эмас экан.

Бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция майори Нуриддин Уралов ва нозир милиция лейтенанти Виктор Криков билан Сирғалидаги теританосил касалликлари шифохонасига бордик. Бу даргоҳга киришимиз билан ИИБ ходимлари шахримиз марказидаги меҳмонхоналардан бирида "иш олиб бораётган" ешгини жувонни олиб келишибди. У фоҳишалар қилиб юрган экан. Ўзга юртлардан келган бу каби беномусларни милиция ходимлари ўз юртларига қайтариб юбормоқдалар. Ўз тасанини сотиб "қун кечираётган"лар орасида афсуски вилоятларимиздан келганлари ҳам учраб турибди.

Ҳузуримизга кирган қиз энди-гина балоғат ешига етган экан. Кўзлари тим қора, қора кўз, хушсурат бу қизнинг 17 ёшли-гидаек шу йўлга кириб кетганлигини кўриб юрагинг ачишади. Беихтиёр нафратланасан.

Наҳотки шу кўриб турган ожиза шундай бўлса?! Кўзларингга ишонинг келмайди. Ҳамроҳим уни суҳбатга тортди. Биз қизнинг исмини айтмасликка қарор қилдик. Уни сизга Элла деб таништирамиз. Элла қандай қилиб Тошкентга келиб қолганлигини ҳикоя қила кетди:

— Ешликда ўйнаб қол, кейин кеч қоласан. У инсонга бир марта берилади, деб нотўғри ўйлабман, — дейди у аста. — Отам биз билан турмади. Онам Самарда мен билан яшайди. Топиш-тутиши ёмон эмасди. Тижрат дўқонида

ишлайди. Хоҳлаган кийимни кияман, хоҳлаган таомни ейишга қурбим келарди. Еганим олдимда, емаганим кетимда эди. Бироқ мени бу ҳаёт қониқтирмади. Ойим бир ўзимга шунчалик елиб-югурса ҳам меҳнатини қадрламасдим. Унга бирон юмушда ердамлашш ўрнига уйда "видик" кўришдан бошим чиқмасди. Ҳаммаси шу "видик"дан бошланди. Бир куни синфдошим Сашани ойим уйда йўқлигида томошага қақирдим. Олдин жангарилар, каратэни кўриб ўтирдик. Кейин Саша "сал еқадигани"дан бўлса қўйгин деганидан кейин беҳаё, шаҳвоний тасмаларни томоша қилдик. Шу кеча Саша билан бўлдим. Кейин ҳам Саша ва бошқа йигитлар билан

фирмаларида ишлаб чиқарилган. Қўлидаги, қулоғидаги тақинчоқларини Тошкентдаги "ака"хонлари олиб берганмиш.

Иккинчи суҳбатдошимиз ҳам ҳали йигирмага қадам қўймаган. Айтишча, "юрганига" кўп эмас, бори-йўри ўн бир ой бўлибди, холос (!?). Турмуш ўртоғи ташлаб кетганидан кейин еш боласини боқаман, деб шу касбнинг "бошини тутибди". Бу қизнинг ҳам энди бундан буён қабиҳ ишлар билан шуғулланмаслигига ишониб, унинг асл исмини, турар жойини келтирмадик. Раънохоннинг эшикдан кириб келишини кўриб қирсий ишларнинг иштирокчиси бўлганлигига сира шубҳа қилмадим. У биз эркакларга

Меҳмонхоналарнинг люкс хоналари... Ялтиллаган ванналар — ҳамма-ҳаммасини эслайман...

Юльканинг бошқа гапларини езишга ҳожат қолмаганди.

Кейинги суҳбатдошимиз пафкентлик Марина эди. Маринанинг гапларидан ҳам айнан келтиришни лозим топдик.

"Мен ешлик қилибми, еки сохта севгига ишонибми, топиш-тутиши яхши бир бойчақароқ йигит билан танишиб қолиб, бор инон-ишончимни унга берибман. Хушрўйгина йигит эди. Тагида "ГАЗ-24" бор, ўзига ортиқча бино қўйган йигитлардан бўлиб чиқди. Унинг шу томонларини ёқтирадим. Унинг гапларига ишониб; уйдан олис жойга сайрга кетдик. Мени

ҳам шунча жиноий иш қўзғатилган. 33 та видео муассаса епилди. 7 видеоаппаратура, 313 видеокассета тортиб олинди, 38 нафар киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу йилнинг тўққизинчи апрелида Яккасарой туманида истиқомат қилувчи Салим Азимов ўз уйида фоҳишаларни ишлатиб, ноқонуний равишда иш тутгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Чилонзор туманидаги мавзелардан бирида истиқомат қилувчи Зоя Хохлова ҳам ўз атрофига фоҳишаларни йиғиб, уйини фоҳишахонага айлантирган. Унга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Шаҳар ОТИС маркази ва теританосил касалликлари диспансери билан ҳамкорликда 48 нафар фуқаро, шулардан ажнабийлар билан доимо пала-партиш жинсий алоқада бўладиган, ОИТСга чалинишга гумондор 15 нафар енгил табиатли аёллар аниқланиб, текширувдан ўтказилди.

Шу йил май ойида Тошкент шаҳрида ўқийдиган чет эллик фуқаро ОИТС касаллиги билан оғриши аниқланиб, у билан жинсий алоқада бўлган ва бўлиши мумкин аёллар текширувдан ўтказилди. Ўзи эса мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Собир Раҳимов туманида яшовчи Д. А. таносил касаллигидан даволанишдан қочиб юрганлиги учун жиноий жазога тортилди. М. К., С. В., В. О.га ҳам шундай жазо кўрилди.

Қўйлик-4 даҳасидаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи "Умид" фирмасида ижарачи бўлиб ишловчи Христофор Ксакания беҳаёликини тарғиб қилувчи видеотасмаларни ижарага бераётганида қўлга олинди, жиноий жавобгарликка тортилди.

М. Горький метро бекатида "Секс-Дайджест" порнографик газетасини сотиб турган Светлана Скосирева ушланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 221-1 моддаси билан жиноий иш қўзғатилган. Беҳаёлик билан боғлиқ бўлган адабиётларни тарқатган саккиз кишига нисбатан ҳам шундай жазо кўрилди.

Мақолага мана шу ерда нуқта қўямиз. Шу қисқа мақолада ички ишлар ходимлари ишига тўла тўхталишга имкон йўқ. Ваҳоланки, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимларининг савий-ҳаракатлари билан ҳар куни бундай енгил табиатли аёлларнинг сирлари фош этилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гурухи ходими, милиция катта
лейтенанти.

"ТУНГИ ФАРИШТА" ЛАР

ёхуд беномус аёллар ҳақида

гоҳ истироҳат боғларида, гоҳ бошқа жойларда тез-тез учрашиб турдим. Умуман, ёмон йўлга кириб кетганлигимни ўзим ҳам билмай қолдим. Текин маишат, базмларга ўч эдим. Қаерга борсам "иззат-ҳурматим"ни жойига қўйишарди-да. Қуялардан бир кун одатдаги зе-ефатларнинг бирида иккита йигитнинг менга дам-бадам кўз қирларини ташлаётганларини кўриб уларга енгил жилва билан кулиб боқдим. Дугонам Наташадан бу икки қора қош қаердан келиб қолди, деб сўрадим. У қисқатгина, осиеликлар деб қўя қолди. Базмдан чиққач уларнинг кўнглини овладим. Кейин "КамАЗ"га ўтириб қаердасан Тошкент дея йўлга чиқдик. Роппа-роса етти кун деганда шаҳарга кириб келдик. Аммо бу йигитлар "бевафо"лик қилишиб, мени ташлаб қочишди. Келганимга икки ойдан ошибдики ҳали-ҳамон уларни учратмайман. Нима қилишим керак? Яна шу "қасб"ни гуллата бошладим. Битта ўзим эмас, албатта. Менга шу ерлик Марина ердамлашди. Бир кун бўлса ҳам унинг уйида бўлмаганман. Кўчада учрашиб, кўчада хайрлашамиз.

Яширмайман, Тошкентда кўп йигитлар билан бўлдим. Ҳатто биттаси билан Самарқандга ҳам бориб қайтганман. Энди шахримга кетмоқчиман. Аммо бу ердан чиқиб кетишнинг ўзи бўлмас экан.

Азиз муштарий! Бу қизнинг гаплари қанчалик тўғри-нотўғрилигини ўзингиз билиб олаверасиз. Балки у ўзича бизни алдамоқчи бўлгандир. Аммо унинг қабиҳ ишга қўл ургани, қизлик номусини кимларгадир топтатгани, танасини сотиб "тирикчилик" қилгани сир эмас. Ўзи кўҳликкина. Устидagi қийинлари ялтир-юлтир. Бариси машҳур хориж

бошидан ўтказганларини гапирётганида на уялишни билар, на ийманарди. Шарм-ҳаёни-ку йиғиб сандиққа солиб қўйганди.

Раъно эри билан ажралишиб кетган. Унинг айтишча, унга севиб турмушга чиқмаган экан.

— Нарғиза билан танишиб қолдим. Истасанг, жуда кўп миқдорда пул топишинг мумкин. Фақат бу сирни ҳеч кимга айтмайсан, — деди. Шу-шу дугонам, аниқроғи, шеригим билан эркакларнинг кўнглини овлай бошладик. Мижозларимиз асосан вилоятлардан келган бўларди. Гоҳида шахсий уйларда, асосан меҳмонхоналарда қолиб кетардик. Кунора айш-ишрат қилардик. Лекин дугонам мени алдаб кетди. Анча пулларимни бермасдан юрибди. Касалхонадан чиққанамдан кейин у билан бир ҳисоб-китоб қилиб қўймасам...

Учинчи суҳбатдошимиз Юлька. Унинг туғилиб ўсган жойи Белорусь Республикаси. Минск трактор заводида иш билан борган я-гнариқлик Шавкатни кўрибдию оромини йўқотибди. Йигит ҳам "қиз"нинг муҳаббатини рад этиб ўтиришни ўзига эп билмабди. Минскда Юлька билан бир неча кун бир естикқа бош қўйишибди. Охири турмуш қуришга келишибганмиш. Аммо Шавкатнинг Урганч вокзалида авзойи бузилиб, Юлькани чипта олиб Тошкентга жўнатиб юборганмиш.

— Мана бир неча кундан буён шу ерданман, — дейди малласоч жувон. — Бу ернинг одамлари ёмон эмас экан. Тезда улар билан "тил топишиб" кетдим. Келишган қади-қоматимни кўриб нафақат маҳаллий йигитлар, ҳатто, меҳмонларнинг ҳам бошидан ҳуши учадди. Хорижликлар билан алоқа қилиб юрадиган бўлдим.

оламан деб ишончимга кирганидан кейин у билан "дон олишдим". Бир ойча айш-ишрат қилдик. Кейин у бирданига ройиб бўлди. Тополмадим. Бўйимда бўлиб қолган бўлса эди-я, деб қўрқиб уйга бормасдан юрдим. Йўқ, ҳеч нарса бўлмаган экан. Лекин уйга қайтиб бормадим. Тошкентга келдим. Аввалига ошхонада идиш-товоқ юувчи бўлиб ишлаб юрдим. Бир куни бир йигит билан танишиб қолдим.

У мени бир аелга учраштириб қўйди. Ўша аелнинг чизган чизигидан чиқмасдан иш қилардим. Пулдан қийналиб юрганам учун айтган ишларини қилардим. Унинг ихтиёрида мендан бошқа яна бир-икки қиз бўлиб, аел бизларни эркаклар билан қўшиб юрарди.

Ҳурматли муштарийлар! Буларни езишдан мақсад бўлаётган жирканч ишлардан сизларни ўз вақтида воқиф этиш. Лоақал ушбу мақола сабаб бўлиб ҳаром-ҳаришга энди-энди ботаётганлар еки ботишга улгурганлар ўзларини тийсалар, уларнинг сони шахримизда янада камайса. Фоҳишабозликдек ёмон иллат шахримизда бўлмаса.

Юқорида айтганимиздек, пойтахт милицияси фоҳишабозликка қарши кескин кураш олиб бораёпти. Сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун жонли рақамларга мурожаат этамиз. Шу йилнинг ярим йили ичида шахримиздаги фоҳишахона ушловчи ва қўшмачилик билан шуғулланганлар устидан 102 та жиноий иш қўзғатилган. Бу рақам 1993 йил 13 тани ташқим қилган эди. Тери-таносил касалликларини тарқатувчи еки даволанишдан бош тортган фуқароларга нисбатан беҳаё фильмларни ва порнографик нашрларни тарқатувчилар устидан

ЗАНТОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 26

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Уйинқароқ болалар", "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультфильмлар.
18.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чоғу оркестрининг концерти.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Истеъодлар танлови".
19.45 "Адолат қомуси".
Видеофильм. 1-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Ўлмас Ўмарбеков. "Қиёмат қарс". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.15 — 00.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: "Ҳамшаҳарлар" телеканали:
18.30 "Ассалом, онажон!"
18.45 "Кўзунчоқ".
19.00 "Юзма-юз".
19.45 "Кулги бекатида".
20.00 "Менинг маҳаллам".
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
21.20 "Яна севги ҳақида".
21.35 — 22.50 "Такдир инъоми".
Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

19.40 "Бевосита мулоқот".

"ОМАД" таништиради:
20.40 "Совга".
21.10 "4/8". Мусликий кўрсатув.
21.25 "Суперспорт".
21.55 Ўзлонлар.
22.00 Видео — "О".
22.35 Ўзлонлар.
23.40 — 23.50 "Курьер".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Оламда нима гап".
18.40 "Мулдор алифбоси".
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.50 "Криница" ансамбли куйлайди (Краснодар).
20.00 "Кулги панорамаси".
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.30 "Спорт уик-энди".
21.45 — 23.05 "Матбуот клуби".

Сешанба, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. "Сўғдиена" — Ўзбекистон терма командаси.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ўзбекистонда куз".
Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.50 — 14.50 "Синов даври".
Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ўлғубек издошлари".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.40 "Адолат қомуси".
Видеофильм. 2-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон ва жаҳон".
Европага йўл.
21.40 Санъат усталари ва еш ижрочилар концерти.
22.20 "Икки фильм, бир услуб".
Кинокўрсатув.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мульткарусель".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
20.40 "Кафолат".
"Тошкент" студияси таништиради:
21.10 "Эсдалик учун дастхат". К. Раззоқова.
21.40 "Хар соҳадан бир шингил".
22.00 "Менинг кўчам".
22.15 "Антенна".
22.35 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
23.50 — 24.00 "Хотима".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Технодром".
18.35 Р. Рождественский хотираси.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.30 "Илк манбадан".
21.40 "Тол".
22.10 — 23.00 "50х50".

Чоршанба, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти".
Бадий фильм. 1-серия.
10.05 "Янги алифбони ўрганамиз".
10.35 "Болалар меҳмонхонаси".
11.35 "Маънавий пойдевори".
12.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб...".
12.55 — 14.55 "Маърифат" видеоанали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Мулдор".
18.45 "Шеърйи дақиқалар".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Харакатда баракат".
19.50 "Адолат қомуси".
Видеофильм. 3-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Мустақиллик одимлари".
"Ўзбектефильм" маҳсулот.
21.55 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.55 — 23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун театр. "Митти фаришта".
19.15 "Билиб қўйган яхши".
19.40 "Дарсга кўнгироқ". Бевосита мулоқот.
20.40 "02" тўлқинида.
21.05 "Кинотрида".
22.05 — 23.30 "Судланувчи".
Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

20.30 "Ёшлар ва замон".

21.10 "Жараён".

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
22.00 "Технопарк".
22.20 "Би-Би-Си" янгиларлари.
22.35 "Ўзбекистон" ахбороти (сурдо таржимаси билан).
23.35 Европа эстрадаси юлдузлари.
00.05 Футбол. УЕФА кубоги. "Навт" (Франция) — "Ротор" (Волгоград). 2-тайм.
00.45 — 01.00 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Мулдор алифбоси".
18.40 "Оламда нима гап".
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Оқ тўти" клуби.
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.30 "Монолог".
21.40 "Нафрат ва муҳаббат ораллида". М. Зошченко.
22.30 — 22.45 "Х" кўрсатуви.

Пайшанба, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти".
Бадий фильм. 2-серия.

10.05 "Кадронлар кўчаси".
Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.30 Футбол майдонларида.
12.00 "Қувноқлар даврасида".
Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги 2-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқиши.
12.25 "Ёшлик" студияси. "Имконият излаб...".
13.10 — 15.10 "Биз танлаган йўл".
Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Санъат гўнчалари".
18.30 "Буюк Ипак йўли"нинг янги уфклари.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Мусликий дақиқалар.
19.50 "Адолат қомуси".
Видеофильм. 4-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда".
Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Кутлуг кун муборак".
Видеофильм.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.40 "Жозоба".
19.00 "Бир шингил хангома".
19.10 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".
19.30 Видео янгиларлари.
19.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.

20.40 — 22.00 "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.30 — 21.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
21.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар".

"Тошкент" студияси таништиради:
22.00 "Бизнес-банк".
22.20 "Ягона оилада" (қозоқ тилида).
23.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Бавария" (Мюнхен) — "Динамо" (Киев). 2-тайм.
00.05 — 00.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Пари Сен-Жермен" (Франция). 2-тайм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Савол белгиси".
18.45 "СБ" жумбоғи.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Қумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.30 "Москва — Кремль".
21.50 — 24.00 Ален Делон иштирокида бадий фильмлар. "Офтоб чараклаганда" (Франция, 1959 й.).

Жума, 30

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Прерия". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Дилга яқин кўшиқлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Немис тили.
12.20 "Кинорлар ва нихоллар".
13.00 Бир асар тарихи. Турғун Пўлат. "Ичкаев".
14.10 — 14.40 "Фазилат".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дайди тўтиқушининг қайтиши".
Мультфильм.
18.20 "Жиноят жазосиз қолмайди".
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятига бағишланади.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Телефильм.
19.45 "Адолат қомуси".
Видеофильм. 5-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 "Маърифатнома".
22.30 "Хофизлар хониш қилганда".
Озод Иброҳимов.

23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун театр. "Букри тойчоқ".
19.25 "Бу бўстон аро..." Мусаввир А. Мўминов.
20.05 "Дехқон химмати".
20.35 "Сиз билан, Сизлар учун!"
21.35 — 23.10 "Бурилиш". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

20.30 "Ғалла — ризқ-рўзимиз".
21.00 "Тараддуд". Осиё ўйинлари олдидан.

"ОМАД" таништиради:

21.30 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
22.00 Ўзлонлар.
22.05 "Суперспорт".
22.35 "Саҳна".
23.00 "Даракчи".
23.05 Ўзлонлар.
23.10 — 00.45 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).

18.25 "Инсон ва қонун".
19.00 "Хафтанинг машҳур кишиси".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 4-серия.
22.50 — 23.40 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Онтаро соҳилида бўлган воқеа". Бадий фильм.
10.30 Бугун — Халқаро қариялар кун. "Ҳам қалбимиз, ҳам уйимиз турида...".
10.50 С. Абдулла, Т. Жалил. "Тоҳир ва Зухра". Андижон вилоят театрининг спектакли.
13.10 "Юрт ҳақида кўшиқ".
13.40 — 15.40 "Санъат сеҳри".
Халқаро мусиқа кунига бағишланган видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Суварак". Мультфильм.
18.10 "Таъзим Сизга, устозлар!"
Ўқитувчилар кунига бағишланади.
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".
19.40 "Етти иклим садоси". Халқаро шарҳловчилар даврасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ҳаёт қувончлари ва таъшишлари". Халқаро қариялар кунига бағишланади.
22.00 Телевизион новеллалар театри. Неймат Аминов. "Кўнгирок".
22.40 "Тунги еғду". Дам олиш кинодастур.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мульткарусель".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.30 "Бир шингил хангома".
13.40 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".
14.00 Видео янгиларлари.
14.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
Ўзлонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Хар соҳадан бир шингил".
20.00 "Менинг кўчам".
20.15 "Антенна".
20.45 "Кинематограф".
22.00 "Хотима".
22.05 — 23.20 "Зўр ўтирибмиз".
Бадий фильм.

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида".
Бухоро.
10.15 "Дидар" (қозоқ тилида).
10.45 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
11.25 Қорақалпоқ тароналари.

12.00 — 12.50 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. "Ференцвареш" (Венгрия) — МАСК.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мульткарусель".

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Қалбим кўри".
20.35 "Би-Би-Си" янгиларлари.
20.50 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Американинг барча юлдузлари".
22.10 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
22.25 "Умид" (уйғур тилида).
23.00 — 23.25 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.45 "Бахтли тасодиф".
18.35 "Ушангача ва ундан сўнг".
19.30 "Бомонд".
19.45 "Останкинонинг етти нота-си".
Халқаро мусиқа кун. 20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.45 — 23.50 "Қоламбика пикчерс" таништиради: "Ўтакетган шайдоилар".
Бадий фильм (АҚШ).

Якшанба, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун телевизион театр.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 86—87-сериялар.
12.00 "Соғлом авлод учун!"
12.20 "Хуқуқингизни биласизми?"
12.40 — 14.20 "Устоз ва мураббий".
Ўқитувчилар кунига бағишланган кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бир томчи". Мультфильм.
18.05 Болалар учун концерт.
18.35 "Ойна жажонда".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Хафтаномаси" (рус тилида).
19.30 Ўзлонлар.
19.35 "Оламга саёҳат".
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Хафтаномаси".
21.00 Ўзлонлар.
21.05 "Барча шодлик Сизга бўлсин!"
Мусликий кўрсатув.
21.45 "Наби Ғаниев. Ижод завқи ва машаққати".
23.15 — 23.45 "Хафтаномаси".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
17.50 "Суперспорт". 1-қисм.
18.20 Ўзлонлар.
18.25 Видео — "О".
20.00 Ўзлонлар.
20.05 "Курьер".
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 "Суперспорт". 2-қисм.
21.15 "Қимга қанақа".
21.45 "Даракчи".
21.55 Ўзлонлар.
22.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор).
11.00 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
11.30 "Юлдузлармиз юлдузлар".
12.30 "Мозийдан еғдулар".
13.00 Сиз еқтирган кўшиқлар.
13.35 — 14.05 "Ариран".
Корейларнинг миллий ҳосил байрами.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 — 20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Дунё эшити".
21.35 "Би-Би-Си" янгиларлари.
21.50 "Озгина-ю созгина".
22.05 "Муштараклик".
22.40 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
22.50 Чет эл эстрадаси.
23.30 — 23.50 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.35 "Баскетбол жазаваси".
"Ҳақиқий ажина овловчилар".
Мультфильмлар.
18.30 "Парнас сари босқич".
Фестиваль афишаси.
18.50 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
19.05 "Мени севгин деб Сизга илтижо қилмайман". Г. Виноградов.
19.35 "Таксичи". Бадий фильм (Италия).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

Аслон Қурбонович РЎЗИЕВ

Шафқатсиз ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст ва ишчан ходими орамиздан олиб кетди.

Аслон Рўзиев 1957 йилда таваллуд топди. 1984 йилдан бери ўзининг бор билими, қудратини эл осойишталиги йўлида сарфлади. Ички ишлар идораларида хизматни Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, Яккасарой тумани ички ишлар бўлимида оддий милиционерликдан бошлаган Аслон Рўзиев ўз билимини ошириш мақсадида 1988 йили Тошкент Олий милиция мактабини битириб чиқди. Кейинчалик Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида бўлими бошлиғи даражасига кўтарилди. У қаерда ва қайси лавозимда



ишламасин, ўзига топширилган вазифани ҳалол ва ғидқидилдан адо этиб, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўларди. Аслон Рўзиевнинг номи қалбимизда абадий қолади. **ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ РАЎБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ**

Анвар Ҳабибуллаевич КАРИМХЎЖАЕВ

Шафқатсиз ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст, ички ишлар фахрийси, милиция подполковниги Анвар Ҳабибуллаевич Каримхўжаевни 57 ёшда орамиздан олиб кетди.

А. Каримхўжаев узок йиллар жиноят-қидирув хизматида меҳнат қилиб, поғонама-поғона раҳбарликкача бўлган йўлни босиб ўтган ажойиб ички ишлар ходими эди.

1980 йилдан Ўзбекистон Республикаси ИИБ жиноят-қидирув бошқармасида бўлими бошлиғи ва 1982 йилдан шу бошқарма бошлиғи муовини, 1983 йилдан Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи, 1986 йилдан Ички ишлар вазирлигининг йўлнамаси билан Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг муовини

лавозимида ишлаган.

Навоий вилояти ИИБда ишлаган даврда А. Каримхўжаев ўз касбининг билимдонлиги, талабчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан ходимлар ўртасида катта обрўга сазовор бўлган, ўзининг шарафли хизматлари эвазига давлатимизнинг фахрий ёрлиқлари ва медаллари билан тақдирланган эди. Анвар Ҳабибуллаевич Каримхўжаевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ РАЎБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ.

ХАНДАЛАР

"ОДОБЛИ" ҲАЙДОВЧИ

ДАН ходими: — Хўш, нега маст ҳолда машина рулига ўтирдингиз, бу ҳуқуқни ким берди сизга!

Ҳайдовчи: — Кечирасиз, ҳурматли капитан, мен ҳечам маст эмасман.

ДАН ходими: — Маст бўлмасангиз ҳам ҳар ҳолда ичгансиз-ку, барибир эмасми.

Ҳайдовчи: — Ичганим ҳам йўқ.

ДАН ходими: — Ичгансиз!

Ҳайдовчи: — Ичмаганман!

ДАН ходими: — Шунақа денг! Ундай бўлса ҳозир текшириб аниқлаймиз. Қани, марҳамат қилиб, менга қараб бир "уф" деб юборинг-чи. Муборак нафасингизни бир ҳидлаб кўрай-чи, тақсир!

Ҳайдовчи: — Кечирасиз, ҳурматли капитан, мен ҳурматли, бообўр кишиларнинг юзига қаратиб пуфлаганни одобсизлик деб биламан!

КОНЬЯК БЕРАҚОЛИНГ

— Менга бир шиша ароқ бериб юборинг.

— Бизда кечқурунлари ароқ сотилмайди. Дўконимизнинг тартиби шунақа.

— Ундай бўлса, бир шиша коньяк берақолинг.

Нормамат ТОҒА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Вояга етмаганлар ёшларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси Олот тумани ИИБдан келтирилган, ўзининг айтишича, 1986 йилда туғилган Ботир исмли боланинг ота-онаси ва қариндошларига мурожаат қилиб, шуни маълум қиладики, бола Когон шаҳар вояга етмаган ёшларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасида сақланмоқда. Агар болани сурати ва қуйида келтирилаётган белгилари орқали таниган бўлсангиз, 4-49-97 рақамли телефон орқали ушбу муассасасига мурожаат қилинг.

Ботирнинг белгилари: бўйи 131 см., сочи ва кўзлари қора, юзи думалоқ, ўртача гавдали.

Кийими: эгнида қизил катак кўйлак, жигарранг шим, оёғида жигарранг туфли бор.



Бухоро вилояти, Жондор тумани ички ишлар бўлими томонидан 1974 йилда туғилган, Жондор тумани, Гагарин номи жамоа хўжалигининг Обод қишлоғида яшовчи Гулноз Асатиллаевна Аллабердиева қидирилмоқда. У шу йилнинг 27 июнь куни томорқасида етиштирилган бодрингги Бухоро шаҳрига сотишга олиб келган ва шундан буён бедарак.

Белгилари: бўйи 170-175 см., сочлари қора ва узун, кўзлари кўк, қулоқлари катта, юзида сепкили бор, қошлари ейсимон ва қуюқ, лаблари қалин.

Кийими: эгнида кўк рангли чит матодан тикилган гуллы миллий кўйлак, оёғида қора туфли бўлган.

Г. Аллабердиевнинг кейинги тақдирдан хабардор фуқаролар бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан бедарак йўқолган Дилмурод Эргашев қидирилмоқда. У шу йилнинг 27 июль куни Қурилиш техникумига кетган ва шу кўйи бедарак йўқолган.

Д. Эргашев 1979 йилда туғилган, Гулистон шаҳар, Дўстлик қўрғонидаги Кооператив кўчаси, 80-уйда яшаб келган. Алоҳида белгилари йўқ.

Д. Эргашевнинг тақдирдан бохабар фуқаролардан энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент вилояти бошхона хизмати ходимлари бошхона инспектори Бахтиёр Толипович КОМИЛОВнинг

тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бош психиатри, ички хизмат подполковниги Венера Ҳабибовна Исмоиловага отаси

Ҳабиб ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла фаоллари ва аҳли маҳалладошлари

Бахтиёр Толипович КОМИЛОВнинг

44 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига ўз ҳамдардликларини изҳор қиладилар.

Ўзбекистон "Динамо" физкультура-спорт жамиятининг раҳбарияти ва жамоаси жамият ходими, истефодаги майор Т. К. Гуломовга онаси

Мария Кузьминична ГУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ҚУЛОҚЧА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

— Азизим, бутун турмуш қурганимизга роппа-роса 25 йил тўлибди! Хўш, бу санани қандай нишонлаймиз?

— Бир дақиқа сукут сақлаб...

— Дада, "пияниста" деб, кимларни айтишади?

— Сенга қандай тушунтирсам экан-а? Мана, масалан, анавиларни кўраяпсанми? Икки хотин гаплашиб ўтиришибди. Биласанми, пиянисталарнинг кўзига ана шу хотинлар учта бўлиб кўринади.

— Дада, у ерда битта хотин ўтирибди-ку?

Чўчқага олтиндан ҳайкал ўрнатилса ҳам, уни "олтин" дейишмайди. Шунчаки, "Чўчқанинг ҳайкали", деб қўя қолишади.

— Дўхтиржон! Қўшним менинг бошимни белкурак билан уриб ерди!

— Тавба, бошингиз ерилмаган-ку? Ҳатто, қон ҳам чиқмаган. Ҳеч қандай из ҳам йўқ!..

— Дўхтиржон, сиз бошимни кўриб нима қиласиз? Белкуракни кўринг, белкуракчи... Кўрмаяпсизми, зарбанинг зўридан белкурак синиб кетганку, ахир!..

У "ит — вафо, хотин — жафо", деган нақлга "амал" қилиб, хотинини ҳайдаб юборган эди. Ҳозир у ит боқаяпти.

Бугун эса, "ит итлигини қилди": хотинининг қарғишига қолган эгасини қолди.

— Хотинининг мента хиенат қилаётганлигини исботладим.

— Қандай қилиб?

— У: "кеча оқшом дугонам Сараникида эдим", деб мени алдади. Лекин ўша кечаси Сара менинг уйимда эди.

Тўпловчи Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Қисқа сатрлар

ШИФОХОНАГА ЎТҚИЗИЛДИ

УЧҚЎРҒОН тумани Яшиқобод жамоа хўжалиги дала шйиёнида фуқаро М. Х. ўзаро жанжаллашиб қолиб, Эшонтупи маҳалласи Т. Д. ни бошига кетмон билан уриб тан жароҳати етказган. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ЎРИКХЎРЛИК

ЯНГИҚЎРҒОН тумани Сангистон қишлоғида истиқомат қилувчи Эргашевнинг янги қураётган уйдан 375 килограмм ўрикни номаълум кимса олиб чиқиб кетган эди. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида ўрик ўғирси аниқланиб, қўлга олинди. Ашёвий далил эгасига қайтарилди. Мақсадида етолмаган ўрикхўр тегишли жойга юборилди.

ГИЁҲВАНД МОДДА ТОПИЛДИ...

"Қорадори-94" тадбирини ўтказиш чоғида қўшни Қозоғистон Республикасининг Жамбул шаҳридан келган "меҳмон" — А. С.ни Совет тумани ҳудудда жиноятда гумон қилиб текширилганда, суммасидан 900 грамм гиёҳванд модда топилган.

Худди шунингдек, Янгиқўрғон тумани Новикент қишлоқ Кенгаши ҳудудда истиқомат қилувчи, нафақахўр Мамасолиевни уйи текширилганда, унинг ҳовлисидаги помидор ичида 80 туп кўкнор ўстираётгани аниқланди. Шу қишлоқлик Т.

Иброҳимовнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда ҳам унинг ҳовлисидаги укроп ичида кўкнор ўстираётгани аниқланган. Бу гиёҳвандлик моддалари йўқ қилинди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ҲОЖАТБАРОР

НОРИН тумани Шўро қишлоғида яшовчи Раимжон Эргашев ИББга мурожаат қилиб, номаълум шахс унинг 89 бош молини сотиб берман, деб олиб кетиб, қайтиб келмаганидан шикоят эзд.

Сурштирув ишлари натижасида "ҳожатбарор" аниқланди. У 1961 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Тельман қишлоғилик С. И. исмли йигит бўлиб чиқди. Ҳозирда унинг устидан тергов ишлари давом этмоқда.

БЕПАРВОЛИКНИНГ ОҒИР ОҚИБАТИ...

БУГУНГИ кунда катталар фақатгина пул топиш, рўзгор тебратиш каби ташвишлар билан бўлиб, ўта зарур бўлган эhti-ёткорлик чораларини эсдан чиқариб қўймоқдалар. Ана шундай бепарволик туфайли Уйчи туманилик Аҳмадалевларнинг 3 ёшли гўдағи ариққа йиқилган. У сувга чўкиб вафот этди...

Х. ХОЛМИРЗАЕВ, Наманган вилоят ИИБ ижтимоий ва ҳуқуқий химолаш гуруҳи нозир.

Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
қуналари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлезмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1156
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.494 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, маъсул
котиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.